



«ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРҒ МАСАЛАЛАРИ»

*мавзудаги Республика XIV илмий-назарий
конференциясининг материаллари*

14

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика XIV илмий-амалий
конференция материаллари**



Тошкент – 2022

“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” // Республика XIV илмий-амалий конференция материаллари. 14-илмий тўплам [Тошкент давлат шарқшунослик университети. Масъул муҳаррир тар.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов] Тошкент: 2022.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ф-сон фармойиши, Ўзбекистон ОўМТ Вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 97-сон буйруғи, ТДШУ ректорининг 2022 йил 17 мартдаги 79-УМ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 21 апрель куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган **“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”** мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 14-навбати материаллари эълон қилинмоқда.

Анжуман ТДШУ илмий-тадқиқотлар режаси асосида шартномавий ҳамкор ташкилотлар – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор М.М. Исҳоқов

Такризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Ҳ. Исмоилова

Тар.ф.н., доц. Р.Р. Алимова

Таҳрир гуруҳи:

Одилов Б.А., Мадраимов А.А.,

Худойназаров И.Б., Бекмурадов С.Т.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган 9-сонли навбатдан ташқари Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

**РОССИЯ ДАВЛАТ ҲАРБИЙ ТАРИХ АРХИВИ
МАТЕРИАЛЛАРИ – ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР
ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ**

*Кличев Ойбек Абдурасулович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бухоро давлат университети Бухоро тарихи кафедраси*

Аннотация: Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алмашинуви масалаларига дахлдор идоравий ҳужжатларнинг бир қисми Россия давлат ҳарбий тарих архиви фондларида сақланмоқда. Ҳужжатлар билан ишлаш натижасида амирлик вакилларининг империя ҳудудига таширфи билан боғлиқ ташкилий масалалар хусусида бирламчи маълумотлар қўлга киритилди. Таҳлиллар ҳарбий тарих архиви материаллари орасида амирлик ва империя ўртасидаги элчилик алмашинуви, хусусан, элчи қабулини ташиқил этишига хизмат қилган тартиб ва дастурлар мавжудлигини кўрсатди. Бу ўз навбатида давлатлар ўртасидаги дипломатик протокол тизимини тадқиқ этишида бирламчи аҳамият касб этади.

Аннотация: Часть ведомственных документов, связанных с обменом посольствами между Бухарским эмиратом и Российской империей, хранится в фондах Российского государственного военно-исторического архива. В результате работы с документами была получена предварительная информация по организационным вопросам, связанным с визитом представителей эмирата на территорию империи. Анализ показал, что среди материалов архивов военной истории имеются порядки и программы, служившие для организации обмена посольствами между эмиратом и империей, в частности, приема посла. Это, в свою очередь, имеет первостепенное значение при изучении системы дипломатических протоколов.

Annotatsiya: Part of departmental documents related to the exchange of embassies between the emirate of Bukhara Emirate and the Russian Empire is preserved in the funds of the Russian State Military Historical Archive. As a result of working with documents, preliminary data was obtained on organizational issues related to the visit of representatives of the emirate to the territory of the empire. The analysis showed that among the archives of military history there are measures and programs that served to systematize the exchange of embassies between the emirate and the empire, namely, the reception of the ambassador. This, in its turn, is of vital importance in the study of the system of diplomatic protocols.

Бухоро амирлиги номидан Санкт-Петербургга юборилган элчилик ҳақидаги ҳужжатларнинг бир қисми Ўзбекистон Миллий архивидаги фондларда сақланса-да, бу йўналишга дахлдор иккинчи қисм маълумотлар империя марказий идораларининг фаолиятларига тегишли Россиядаги архив жамғармаларида тўпланганлиги маълум бўлди. Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги элчилик қабуллари, расмий ташрифларига доир маълумотларнинг бир қисми Россия давлат ҳарбий тарих архивидаги 400- Ҳарбий вазирликнинг Бош штаб Осиё бўлими ҳамда 1396-Туркистон ҳарбий округ штаби фондларида ўрин эгаллаган. Мазкур фондларда Россия империяси Ҳарбий вазирлиги ва унинг таркибидаги Осиё бўлими фаолиятига доир ҳужжатлар сақланади.

Ҳарбий вазирликнинг Бош штаб Осиё бўлими фондининг ҳужжатлари амирлик ва империя ўртасида элчилик масалаларининг ташкилий жиҳатларини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда *Ташиқи ишлар вазирлигининг Осиё департаменти* Бухоро амири ва амирлик элчиларининг ташрифларига доир тадбирларни ўз ваколати доирасида ҳал этганини, бу тадбирларнинг асосий ташкилий жиҳатларини эса *Ҳарбий вазирликнинг Бош штаб Осиё бўлими* амалга оширганини қайд этиш даркор. Ҳарбий вазирлик Бош штабининг Осиё бўлими – Россия империяси Ҳарбий вазирлигининг 1867-йил 30-мартдаги 103-рақамли буйруғи асосида ташиқил этилган. Ушбу ташиқилотнинг фаолият доирасига Осиё давлатлари, империя билан чегарадош давлатлар билан муносабатларга киришиш ва бу давлатларда мавжуд

ҳолатдан хабардор бўлиш кирган. 1910-йилда Осиё бўлими, Бош штабнинг Осиё қисми деб қайта номланади ҳамда шу шаклда 1918-йилга қадар фаолият юритган¹.

Бош штаб Осиё бўлими фондида Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасида 1867-1877-йиллардаги муносабатлар тўғрисида Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманинг Ҳарбий вазирликка йўллаган “*Бухоро билан муносабат*” деб номланган тарихий маълумотномаси сақланмоқда. Хужжатда йиллар кесимида амирлик ва империя маъмурлари ўртасидаги элчилик алмашинуви, 1868 ҳамда 1873-йилларда имзоланган шартномалар, амирликдаги сиёсий вазият тўғрисида маълумотлар ўрин эгаллаган². 1874, 1876-йилларда Бухоро амирлиги номидан юборилган элчилик, амир Абдулаҳад ва Олимхонларнинг Санкт-Петербург ташрифига доир хужжатлар Бош штаб Осиё бўлими фондида ҳам сақланмоқда.

Фонд хужжатларининг миқдорий ва мазмуний таҳлили, Бухоро амирларининг 1898, 1902, 1906, 1910-йилги ҳар бир ташрифлари кетма-кет бир неча йиғмажилдлардан иборатлигини кўрсатди. Жумладан, амир Абдулаҳаднинг империя марказига 1902-йилдаги ташрифига доир хужжатлар 2933-2935 рақамли учта йиғмажилдларга киритилган. Агар 2933 ва 2934 рақамли йиғмажилдларга ташрифни ташкилий масалаларига тегишли идоралараро ёзишмалар киритилган бўлса, 2935-йиғмажилд ушбу тадбир билан боғлиқ маблағ ажратмалари ва уларнинг сарфланиши ҳамда уни тасдиқловчи иқтисодий хужжатлардан таркиб топган. Бу ўз навбатида ҳар бир ташрифга дахлдор маълумотлар тизимли равишда тўпланиб, тегишли тартибда комплекшлаштирилганини кўрсатади.

Тадқиқ этилаётган масалага доир йиғмажилдларнинг Бош штаб Осиё бўлими фондида бундай жойлашуви элчилик қабуллари масаласига доир Ўзбекистон Миллий архивининг И-1–Туркистон генерал-губернатори фондидаги шундай мазмунли йиғмажилдлардан фарқ қилишини кўрсатди. Генерал-губернатор фондидаги амирлик ҳукумати вакиллариининг империя ҳудудига ташрифларига доир маълумотлар фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда алоҳида рақамланиб тегишли йиғмажилдларга киритилган³. Бу мазкур муассасалардаги иш юритишнинг ўзига хос тартиби ҳисобланади. Ташрифларга доир хужжатларнинг бундай параллел тартибда жойлашуви, империянинг турли идораларида дипломатик муносабатларга дахлдор йиғмажилдларнинг жамланиш тартиби ва қолаверса, бу турдаги хужжат юритиш тизимини ўрганишга ҳам хизмат қилади.

Россия давлат ҳарбий тарих архивидаги 400-фонддаги мавжуд ёзишмаларни тадқиқ этиш жараёнида, Осиё бўлимининг Ташқи ишлар, Сарой вазири, Император кабинети, Молия ва Ички ишлар вазирликлари билан амирлик элчиларига ҳарбий вазирлик амалдорини бириктириш, ташриф дастурига киритилган тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаш, Бухоро амирларининг Санкт-Петербургдаги таъминоти, элчилар, амир ва уларга ҳамроҳлик қилган шахсларга совғаларни харид қилиш мақсадида муносабатга киришганлиги маълум бўлди.

Амирлик ҳукумати вакиллариининг империя ҳудудига ташрифлари билан боғлиқ бўлган “*Бухоро амири жаноби олийларини ...[ташриф йили- О.К.] кутиб олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби*”, “*Бухоро амири ҳамда амирлик элчиларини империя орденлари билан тақдирлаш учун тақдимномалар*”, “*Бухоро орденлари билан тақдирланган офицерларнинг рўйхати*”, “*Ҳукмдор императорнинг олий қабулида Бухоро амири билан бирга иштирок этувчи шахслар рўйхати*”, “*Бухоро амири жаноби олийларининг ҳукмдор Император қабулида иштирок этишига жалб қилинган фойтунларнинг Царское село йўналишида ҳаракатланиш тартиби*”, “*Ҳукмдор император ва Александра Феодоровналар томонидан Бухоро амири жаноби олийларини қабул қилиш тартиб*” лари деб номланган хужжатлар Бош штаб Осиё бўлимининг дипломатик муносабатларда қандай масалаларни ҳал этишда иштирок

¹ Қаранг: Опись описей Центрального государственного военно-исторического архива СССР. Главный штаб” 400 фонд, – Москва, 1987. – 24 с.

² Россия давлат ҳарбий тарих архиви (кейинги ўринларда – РДХТА), 400-фонд, 1-рўйхат, 4822-йиғмажилд, 1-21-варақлар.

³ Бухоро амирлари ва амирлик элчиларининг Россия империясига ташрифларига доир хужжатлар мазмун (таш-килий ва иқтисодий масалалар) жиҳатдан алоҳида йўналишдаги йиғмажилдларга киритилган.

этганини кўрсатади. Бу турга мансуб ҳужжатлар империя вазирликлари доирасидагина ўзаро алмашилганлиги боис, уларни Ўзбекистон Миллий архивида учратиш мушкул.

400 – Бош штаб Осиё бўлими фонди йиғмажилдларида Россия императорининг Бухоро амири номига 1898-йил май, 1902-йил февраль, 1906-йил ноябрь, 1910-йил февраль, 1915-йил декабрда йўллаган мактубларининг нусхаларини учрата оламиз¹. Аҳамиятлиси шундаки, бу ҳужжатлар Осиё бўлими ходимлари томонидан Император мактуби билан таққосланиб расмийлаштирилган. Бу ўз навбатида амир номига юбориладиган император мактублари Бош штаб Осиё бўлимида нусхаланиб, тегишли империя идораларига юборилганини англатади.

Россия давлат ҳарбий тарих архиви 1396–Туркистон ҳарбий округ штаби фондидаги ҳужжатларнинг аксарияти бевосита ҳарбий соҳага мансубдир. Фонд йиғмажилдларида амирлик ҳудудига юборилган элчиларга ҳарбий офицерларни бириктириш, амирлик ҳамда империя ўртасидаги чегараларни аниқлаш, ҳарбий топографик кузатув ишларини олиб боришга доир маълумотлар ҳам мавжуд. Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасида имзоланган шартномага асосланиб, 1869-1870-йилларда амирлик ва Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасидаги чегараларни аниқлаш мақсадида юборилган майор Бергнинг Туркистон ҳарбий округи кўшинлари Бош штабига билдирган *Ахборот(Рапорт)*² ёки 1870-йили полковник С.И.Носовичнинг “*Бухорода рус миссиясининг фаолияти*” деб номланган ҳисоботи³ шулар жумласидандир.

Юқоридаги таҳлилларга таяниб, тадқиқ этилаётган масалага доир, Ўзбекистон Миллий архиви фондларидаги маълумотлар ҳудудий мансублик жиҳатидан ўзига хос, асосан, амирлик ҳукумати ва генерал-губернаторлик ўртасидаги элчилик алмашинуви масаласинигина қамраб олиши билан характерли эканлиги маълум бўлди. Россия давлат ҳарбий тарих архивидаги мавжуд ҳужжатлар асосида эса амалга оширилган элчилик қабуллари, расмий ташрифларнинг муҳим жиҳатларини ёритиш мумкинки, бу мазкур муассаса фондларининг дипломатик муносабатлар тарихини ўрганишдаги манбавий қийматини оширишга хизмат қилади.

ҚАДИМГИ ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА КАНГКИЯ (ҚАНҒ) ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ХИТОЙ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

*Х.Х.Азимов, ЎзР ФА Шарқшунослик институти
илмий ходими*

Аннотация. Мазкур мақолада қадимги хитой манбаларида Кангкия (Қанғ) давлати ҳақида илк маълумотлар берилган. Бундан ташқари, ушбу манбаларда Марказий Осиёда саккиз аср ҳукмронлик қилган Кангкия ва Хан (Хитой) империяси ўртасидаги алоқаларга оид маълумотлар келтирилган.

Калит сўз ва фразалар: Хитой манбалари, Кангкия, Марказий Осиё, Хан империяси, қадимги Хитой.

Аннотация. В данной статье посвящена первые сведения о государстве Кангкия (Канг) в древнекитайских источниках. Кроме того, в этих источниках содержится сведения об отношениях между Кангкией и Ханьской (Китайской) империей.

Ключевые слова и фразы: Китайские источники, Кангкия, Центральная Азия, империя Хань, древний Китай.

Annotation. In this article wrote first information about the state of K'angkia (Kang) in ancient chinese sources. In addition, these sources contain information about the relationship between K'angkia and the Han (Chinese) empire.

Key words and phrases: Chinese sources, K'angkia, Central Asia, Han Empire, ancient China.

¹ РД ХТА, 400-фонд, 1-рўйхат, 2309 - йиғмажилд, 27- варақ, 400-фонд, 1-рўйхат, 2934 - йиғмажилд, 56 – варақ.

² РД ХТА, 1396-фонд, 2-рўйхат, 65-йиғмажилд, 2-3 варақлар.

³ РД ХТА, 1396-фонд, 2-рўйхат, 60-йиғмажилд, 20- варақ.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
<i>ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ</i>	
<i>Исҳоқов М.</i> Авеста китобида “Гоҳ”ларнинг ўрни ҳақида	4
<i>Юсупова Д.</i> Амир Темур ва Темурийлар даври маликаларнинг оила ва давлат ишларида тутган ўрни	6
<i>Шамситдинов Р.</i> Некоторые отечественные работы как источник по изучению истории «Большого террора» в Узбекистане	10
<i>Алимова Р.</i> Архив ҳужжатларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Қошғар билан элчилик ва савдо муносабатларига доир баъзи маълумотлар	13
<i>Пуговкина О.</i> История народов Среднеазиатского Двуречья в составе державы Ахеменидов в эпиграфических источниках	16
<i>Темиров Ф.</i> Садриддин Айний илмий меросининг тарихий – манбавий таҳлили	20
<i>Темиров Ф., Носиров Ш.</i> Садриддин Айний ва унинг “Бухоро манғит амирлари тарихи” асари ҳақида	24
<i>Раҳмонов К.</i> “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи сони хусусида	27
<i>Дармонова М.</i> Наманган вилояти давлат архивининг бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимида оид жамғармалари таснифи	29
<i>Холов В.</i> XVI-XVIII аср инглиз манбаларида Туркистон тарихига оид баъзи маълумотлар	31
<i>Бобоев Ф.</i> Ўрта Осиё ҳарбий округи инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоларининг ҳисоботлари муҳим манба сифатида	36
<i>Кличев О.</i> Россия давлат ҳарбий тарих архиви материаллари – дипломатик муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси	39
<i>Азимов Х.</i> Қадимги Хитой манбаларида Кангкия (Қанғ) давлати ва унинг хитой билан муносабатлари	41
<i>Жумаев М.</i> Arxiv materiallari - Buxoro Xalq Sovet Respublikasi iqtisodiy va siyosiy hayotni oʻrganish manbasi	45
<i>Абдуллоев Ш.</i> «Динкард»да Зардуштийлик демонологияси талқини («Динкард» нинг III-китоби мисолида)	48
<i>Faromarzi F.</i> XIV-XV asrlar Xuroson tarixi va jugʻrofiyasi Hofiz-i Abru talqinida (“Zubdat at tavorix” asari asosida)	52
<i>Идиев А.</i> “Мусаххир ал-билод” асари Мовароуннаҳр этник тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида	59
<i>Қаюмова К.</i> Амир Темур битиктоши ва унинг манбавий аҳамияти	61
<i>Абдухалилова А.</i> XIX Аср охири ва XX аср бошларига оид расмий ҳужжатларда Хива хонлиги солиқ масалаларининг акс этиши	66
<i>Mirzayeva M.</i> Karaskan sayidlari oilaviy arxivi tadqiqi	70
<i>Ҳамраев С.</i> Я.В. Виткевич қайдлари XIX асрнинг 30-йилларидаги Россия-Бухоро дипломатик муносабатларини ўрганишда муҳим манба	73
<i>Халилова З.</i> Ўзбекистон Миллий Архивининг диний таълим тарихига доир жамғармалари тавсифи	76